

(«КИМОРБОЗЛАР ХАЁТИ», «ХИЁНАТКОРЛАР ЖАЗОСИ», «ЭР-ХОТИН», «АРШИН
МОЛОПОН») **УМУМИЙ КАРАШ**

Үртөк Уйгур Бухородан келгандан бери сахнамиз жонлана бошлади. Шу бир-икки хафта ичидә яна бурунги каби камчиликлар, каргиш ва лаънатлар билан бўлса-да, бир неча томоша кўрдик.

Матбуотимизда исми кўрунуб келатургон «С» (Санжар) ўртөк томонидан таржима килингон «Киморбозлар хаёти» — Оврупо киморбозлигининг кўркунч ёкларини яхши кўрсатадир. Бунда киморбозликнинг кайнагон жойи, киморбозларнинг иш устидаги «фаолиятлари» кўрунмайдир. Бунда бу ёмон одатнинг оиласа килган таъсири кўбрак кўрсатиладир. Таржима текисгина чиккон. Гудур-будурлик кўб сезилмади. Факат бунда ўйнагучи артистларимиз (Аброр, Сайфи кори, Зиё Саид, Шокирлар) нимагадир хийла ёт ва бегона бўлуб ўйнадилар. Самимилик, рўлни англаб ўйнашлиқ, сахнада эркин бўлишлик — мана буларни кўра олмадик. Халк оз эди, кирим ёмон бўлган, эҳтимолким шунинг учун артистларимиз «барибир» деб ўйнагон бўлсалар...

Давлат труппасининг бу «барибир» томошасидан сўнг Эски шахар ишчилар факультети талабаларининг бир «Томоша ва концерт кечаси»ни хам кўрдик. Томоша кисмida кўюлгон тўрт пардалик «Хиёнаткорлар жазоси» деган нарсани ёзиб ўлтириш хам вакт исроф килишдир. Баъзи бир пардаларнинг 3—5 минут кадар давом этишлари бунга катта гувоҳдир. Факат концерт кисмida миллий чолги мактабининг биринчи имтихонини кўрдикким, бу хийла умидликдир. Болаларнинг кўбайишиб айтган ашуалари заиф бўлса хам, бир боланинг ёлгиз ашуласи, бир йигит томонидан ёлгиз айтилган «Гулёр» яхши эди. Шу «Гулёр» айтган йигитда яхши кучлик товуш бор. Факат, ишланмаган.

Миллий чолги мактаби голибо 3-4 йилдан бери давом этадир. Факат сўнг чоккача унда муаллимлар ўрнига «тўнкалар» ўлтургони учун хеч самараси кўрулмаган. Якинда ясалгон ислохот ва таълим ишига кўюлгон муктадир муаллимлар (Курбон ва Шожалиллар) мактабни умидли йўлга кўйгонлар.

Яна хам диккат, яна хам кўбрак ахамият берилмаги керак.

Муаллиф:
13.03.2014 23:15 -

Сахнамизда неча маротаба ўйналгон «Эр-хотун» ва «Аршин мололон» томошалари тўғрисида кайта-кайта ёзиши ортик топаман. Бу тўғрида шунигина айтаманким, бизнинг сахнамизнинг энг зўр камчилиги — драм ўйнагучиларнинг ўперада чикишларидир. Мана бу камчилик хар икки томошада хам энг каттиг сезилди. Билмадим, качон бизнинг сахнамиз ўперада бошка, драмда бошка хайъатга эга бўлур экан. Хар холда, сўнгги икки томоша сахнамизнинг яна жонланиб, тузалиб боргонини кўрсатадир. Сахнамиз яна тирилмакчи. Халк сахнада яна рухига озик топа бошлади. Энди шу харакатни тўқтатмай, оксатмай олиб бориш — (хар бир санъат — Д.К.) арбобининг вазифасидир.

Энди умумий суратда бир нарса ёзиб ўтмакчи бўламан: умумий деганим сахна ва санъатимизнинг моддий жихатидир. Киш якинлашиб, юпка кийимлар ярамай бошлагон бир вактда хам халкимиз ўзи тубданда ўлгундек зах бўлган ёзлик «Турон»да томоша кўрмакка мажбур. Кишлок «Турон» катъиян ярамайдир. ТошПО ўрни тилга хам олинмогон, янги бино эса маҳаллама-маҳалла кўчуб, хар кун бир камисия томонидан бир тўқтатилиб, бир рухсат этилиб, сарсон ва саргардон бўлуб гурадир. Билмадим, бу иш жиддий бир йўлга тушарми, йўкми? Киш келганда кўчада колгон сахнадан нима умид килмог керак?

Бухородан чакиртириб олингунча минг ваъда, минг хил роҳат ва таъминотлар тақдим килингон Уйгур хануз тургали бир жой, баъзи тажрибалар учун икки газ ойнага эга бўлмагон. «Уйгурни Бухородан олиб келиш учун пул сарф килиб Гози Юнус ўртокни Бухорога юборган» Эски шахар ижрокўми унинг кўл остига келиб кирган санъаткорга жой топиб беролмайдир-да, «Шарк» кутубхонасининг жойигача бир якатчига ижарага кўядур. Санъатнинг киймати шу эса, ундей санъатдан умид узмаса керак эди!

Театр — санъат — «Туркистон» газетасининг 1922 нил 29 сентябрь сонида эълон килинган.

«Киморбозлар хаёти» — француз драматурги Виктор Дюканж (1783—1833) каламига мансуб асар. Аслида «Ўттиз йил ёки киморбознинг хаёти» деб номланувчи бу асар 1828 йилда ёзилган.

«Хиёнаткорлар жазоси» — бу ўринда кайси асар назарда тутилаётганини аниклашга муваффак бўлмадик. Тахминимизча, гап Хамзанинг «Тухматчилар жазоси» пьесаси хакида бормокда.

«Эр ва хотин», «Аршин молон» — Озарбойжон композитори ва драматурги Узеир Хожибеков (1885—1948) асарлари. Булардан кейингиси айниекса катта шухрат топган.

Зиё Сайд — тахаллуси, хакикий исм-шарифи Косим Солихов (1901—1938), ўзбек драматурги, журналист ва танкидчи.